

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

С. Н. БЕРДИКУЛОВ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ҚОНУНГА
ИТОАТКОРЛИК – ДЕМОКРАТИК
ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2017

Тақризчилар:

Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг
Тошкент филиали кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори,
профессор **Н. Х. Ҳакимов**

ИИВ Академияси демократик жамият қуриш
назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи,
фалсафа фанлари номзоди, доцент **Р. У. Эрназаров**

Бердикулов С. Н.

Б-55 **«Қонун устуворлиги ва қонунга итоаткорлик – демократик таракқиёт кафолати»** ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир фалсафа фанлари доктори, профессор Ш. О. Мамадалиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия, 2017. – 42 б.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қонун устуворлигининг аҳамияти, таракқиётнинг «ўзбек модели»да қонун устуворлиги принципининг ифодаланиши, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш масалалари ёритилган.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, илмий тадқиқотчилар, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар ҳамда ИИВ Академиясида таълим олаётган тингловчи-курсантлар учун мўлжалланган.

КБК 67.99(5Ў)

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Чунончи, демократик давлатда инсон ҳуқуқлари, эрки, шаъни ва кадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланиб, қонун устуворлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принцидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниб мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир»¹.

Шу маънода, қонун устуворлиги принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз конституциявий тузумининг асосий принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилди. Асосий қонунимизнинг 15-моддасида ҳам «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» дейилган. Конституциямизда ўз аксини топган ушбу қонундан мамлакатимизда тўлақонли амалга ошиши муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу борада шундай деган эди: «Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир»².

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1996. – Б. 321.

² Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

Қонун устуворлиги принципини ўрганиш демократик жамият қуриш жараёнида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки, демократик жамиятда барча фуқаролар қонунга амал қилади, қонунга итоаткорлик бош мезон сифатида қабул қилинади.

Мазкур ўқув қўлланмада ҳам қонун устуворлигининг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Зеро, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг асосий кафолатидир.

1-§. Қонун устуворлиги ва қонунга итоаткорлик тушунчаси

Демократик жамият куриш жараёнида қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик масалалари барчани қизиштириб келган. Қаерда қонунлар устувор аҳамият касб этса, фуқаролар қонунга итоаткор муносабатда бўлишса, ўша ерда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, жамият тараққиётга юз тутади.

Буюк аждодимиз соҳибқирон Амир Темур «салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар (қонунлар – *муаллиф*) асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашинишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди»¹, дегани ҳам давлатни қонунларсиз бошқариб бўлмаслигидан далолат беради. Авестонинг иккинчи китоби «Ясна»нинг 7-бобида ёзилишича, Ахурамазда юборган қонун-қоида, тартибот, ахлоқий ўғитларга амал қилсалар эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилади². Бундан кўринадикки, аждодларимиз қадимдан турли нопок ишлардан, фирибгарлик, товламачилик, ўғирлик, порахўрлик каби жиноятлардан, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилишдан ўзларини тийишган. Юнон мутафаккири Арасту жамиятда ҳуқуқнинг ўрнига алоҳида урғу берган. Унинг фикрича, қонунлар ҳуқуқлардан ташкил топиши зарур. Бу – давлатнинг демократлигини кўрсатадиган хусусият. Арастунинг мажбурий кучга эга қонунлар бўлмаса, жамиятда фуқароларнинг тенгсизлиги, адолатсизликлар келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлари эътиборга молик³.

Дарҳақиқат, жамиятда ижтимоий муносабатлар қонунлар орқали тартибга солинади., адолат қарор топиши учун қонунга мурожаат қилинади. Қонун орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, юзага келиши мумкин бўлган адолатсизликлар барҳам топади. Қолаверса, турли жиноятчиликларнинг олдини олинади, қонунларни четлаб ўтиш, уни бузиш каби ҳуқуқбузарликларга чек қўйилади. Бу эса жамиятда қонунга итоаткорликнинг объектив зарурати ҳисобланади. Қонуннинг кучи, обрўси, таъсири, амалий аҳамияти ҳаётда унинг ҳалол, ҳақиқий, одилонга татбиқ этилишидадир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари ўзлари-

¹ Темур тузуклари / Таҳрир хайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 88.

² Нурматова М. Шарқ ахлоқий тафаккур тараққиёти босқичлари. – Т., 2008. – Б. 9.

³ Мухамедов Ў. Ҳ. Конституция ва қонун устунлиги. – Т., 2003. – Б. 10.

нинг ваколатлари ва бурчларига масъулият билан одилона ёндашса, Ватан, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблашса, қонунларни турмушга адолатли қўлласалар, жамият раванқ топади. Қонун барчанинг иродаси билан қабул қилинган ҳужжат ва ҳаттоки, давлат бошлиғи ундан юқори тура олмайди¹. Бундан нафақат давлат ва жамият, балки халқ ҳам катта наф кўради.

Абу Наср Форобий асарларида одил ва адолатли жамиятнинг назарий асослари муфассал ёритилган. Шунингдек, демократик жамият ҳақидаги ғоялар ўрта аср ижтимоий-фалсафий тарихида муҳим ўрин эгаллаган мутафаккир ва давлат арбоби Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» (XI аср) асарида ҳам учрайди. Унда адолат, инсоф, ахлоқ ва қонун ижтимоий-сиёсий категориялар сифатида талқин қилинади. Низомулмулк «кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак. Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди»², деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича:

– *давлат тизимига раҳбарларни жиддий текширувлардан ўтказиб, уларни шахсий ва ахлоқий хусусиятларини ўрганиш асосида танлаш лозим;*

– *раҳбарлар қонунга итоаткор бўлишлари ва уларнинг ижросини таъминлашда ахлоққа суянишлари лозим;*

– *қарорлар қабул қилишда, қонунчиликни яратишда кўпчиликнинг фикрига, хоҳиши ва иродасига суяниши керак.*

Бу ҳақда Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида «давлатнинг одату қонунига мувофиқ иш юргиздилар, зулм қўлини калта қилиб, адолат паноҳида мазлумларга жой бердилар, токи тўғрилиқ меваларини ростлик дарахтидан терсинлар»³ фикрининг асосида қонун устуворлиги масаласи эътироф этилган.

Қонун устуворлиги деганда, қабул қилинган қонунларнинг барча томонидан ҳурмат қилиниши, ижроси таъминланиши, уларга қатъий амал қилиш тушунилади. Айниқса, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатга хос бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлашга хизмат қилади.

¹ Руссо Ж. Ж. Трактаты. – М., 1969. – С. 177.

² Низомулмулк. Сиёсатнома. – Т., 1997. – Б. 98.

³ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома (Шарофномаи шоҳий). Иккинчи китоб. – Т., 2000. – Б. 106.

Қонунларга итоат этиш, риоя қилиш уларнинг ижросини ва энг муҳими, жамиятда адолатни таъминлайди. Аксинча, адолатсизлик илдиз отган жойда тараққиёт ва барқарорликка путур етади. Қонунга итоаткорлик жамият аъзоларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданият, маънавият, маърифатлилигидан келиб чиқади. Яъни унинг негизини қонуннинг мақсад ва вазифалари, моҳиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ўз ихтиёри билан риоя қилиш ташкил этади. «Қонун устуворлиги деганда, барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятида Конституция ва қонунларнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун бўлиши ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг уларга қатъий риоя этиши тушунилади. Маълумки, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши, аввало, шу юртда тинчлик ва хотиржамликни, жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида доимий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади»¹.

Демократик жамият қуриш жараёнида қонун устуворлигига алоҳида урғу берилади. Чунки, қонун устуворлиги адолат мезони ҳисобланиб, фуқаролар миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, урф-одати, анъанаси, қадриятлари, диний эътиқоди, жинсидан қатъи назар, бир хил ҳуқуққа эга бўлади. Натижада, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маънавий ҳаётида барқарорлик таъминланади. Қонунларга бефарқ муносабат шаклланган, улар ижро этилмайдиган ёки расмийликка хизмат қиладиган мамлакатда талон-торожлик, тенгсизлик, адолатсизлик, зўравонлик каби салбий ҳолатлар юзага келади. Шу боис, қонун устуворлиги умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим»². Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда вужудга келадиган муаммолар оддий инсонлардан тортиб, то мансабдор шахсларгача қонунни четлаб ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар қилиш жараёнини вужудга келтиради. Бу салбий

¹ Қобилов Ш. Р. Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – тараққиёт ва хавфсизлик гарови. – Т., 2016. – Б. 122-123.

² Мирзиёев Ш. М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

жараёнларнинг олди олинмаса, жуда нохуш ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Шу маънода, қонун устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади. Демократик институтлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади.

Ҳозирги пайтда қонун устуворлиги масалалари бўйича назарий тасаввурлар қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1) *қонун устуворлиги ва у билан боғлиқ назарий-амалий масалаларнинг моҳиятини тушунишда янада юқори натижаларга эришиш эҳтиёжсининг мавжудлиги;*

2) *қонун устуворлиги муаммосини қонуннинг олий юридик кучи, ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мос келиши ва қонуннинг барча давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийлиги нуқтаи назаридан ҳал этиш учун етарли даражада эмаслиги.*

«Қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонуннинг роли ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан қонунга асосланмаган қарорларини чиқаришга қарши унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши билан белгиланади»¹. Зеро, жамоатчилик назоратининг асосий вазифаси ҳам қонуннинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган. Маълумки, жамоатчилик назоратини олиб борувчи субъектлар ижроия ҳокимияти фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар. Қонун устуворлигини амалга оширишнинг зарурий механизмларидан бири – бу «қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир»². Чинакам демократия қонунларнинг устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенглиги, ижтимоий кафолатларнинг кучлилиги орқали таъминланади. Ҳар қандай давлат ўз халқи манфаатларини, фуқароларининг ор-номуси ва кадр-қимматини, ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор. Шунингдек, қонун устуворлигининг қарор топиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

¹ Доктрины Правового Государства и Верховенства Права в современном мире. – М., 2013. – С. 270.

² Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

– мамлакатда Конституция ва қонунлар ҳақиқий ҳукмрон бўлиб, уларни фақат давлатнинг олий вакиллик органи қабул қила олиши ва давлат раҳбари тасдиқлаши, ўзида халқ хоҳиш-иродасини ифода этиши;

– Конституция энг олий ўрин эгаллаши ва унинг устунлиги ҳеч қандай ҳуқуқ ёки ахлоқий қоидалар билан чекланмаслиги;

– қонунлар республика ҳаётининг муҳим масалалари юзасидангина қабул қилиниши;

– қонунларда инсон манфаатлари, халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигининг акс эттирилиши;

– Конституция ва қабул қилинажак ҳар қандай қонуннинг мазмун-моҳиятида ижтимоий адолат зояларининг бўлиши;

– қонунлар тўғридан-тўғри, бевосита амалга ошириладиган ҳужжатлар бўлиши.

Конституция ва қонун устуворлиги ҳақида гап кетганда, бу масалага алоҳида тўхталишимизнинг сабаби бор, чунки Конституция қонун ҳукмрон бўлган давлатнинг ажралмас қисмидир. Бу ўринда Конституция ва қонунларнинг демократик жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиш, ҳокимиятларнинг тақсимланиши ва уларнинг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлиги қирраларини ёритиб бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг қонунга итоаткорликни шакллантиришдаги ролини, шунингдек аҳоли ҳуқуқий маданиятини қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омили сифатидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, Асосий қонунимизнинг 92-моддасида Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис йиғилишида қабул қилган қасамёдга биноан, Конституция ва қонунларга қатъий риоя этиши белгиланган. Унинг 48-моддасида эса барча фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбур эканликлари мустақамлаб қўйилган. Бинобарин, Президентнинг давлат бошлиғи сифатида чиқарган фармон ва фармойишлари қонунга асосан ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади (89-, 94-, 98-м.). Маҳаллий ҳокимият органлари қонунларни, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар (101-м.). Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар (112-м.). Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан эса прокурор назорати амалга оширилади (118-м.). Ўзбекистон Конституцияси мамлакатда тўла қонун устуворлигини таъминлаш руҳи билан суғорилган бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қурилишида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини куриш жараёнида қонун устуворлигининг таркибий қисмлари бўлмиш жамият ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабат, инсоннинг ҳуқуққа муносабати, ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий ҳимояланиш ва ҳуқуқдан фойдаланиш даражаларига ижобий таъсир кўрсатадиган омилларни ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. Инсоният узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтар экан, бу йўлда оламшумул муваффақиятлар билан бирга, ижтимоий ҳаётда муаммолар, хатоликлар учраб турди. Кўпгина ҳолатларда ана шундай муаммоларнинг асосий сабаби жамият томонидан ҳуқуқ талаблари тўла инкор этилганлигидир. Бу эса қонунларнинг «ишламаслиги»га, қоғозда қолиб кетишига сабаб бўлган. Биламизки, қонунлар ўз-ўзидан ишлаб кетавермайди ва уни ҳаракатлантирувчи механизмлар мавжуд. Мамлакат фуқаролари қабул қилинган қонунларни онгли равишда тушунишлари, яъни уларнинг ҳам ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ривожланган бўлиши лозим. Бунинг учун ҳуқуқ талаблари жамият ва давлатда ўз ечимини топган бўлиши зарур. Бу Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши (32-м.), оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган (67-м.). «Мамлакатда адолат принциплари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъект, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг муносабатларда уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади»¹.

Демократик жамиятнинг шаклланишида жамоат бирлашмаларининг фаолиятсиз қонун устуворлиги принципининг амалда ишлашини таъминлай олмаймиз. Бу соҳада, шубҳасиз, жамоат бирлашмаларининг фаолиятини ҳам такомиллаштириш муаммоси турибди. Сиёсий партияларнинг тажрибаси ва фикри демократик ҳамда ошқора тарзда ҳисобга олиниши лозим. Таъкидлаш жоизки, демократик жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, «...ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина, яшайди ва

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 26–27.

рўёбга чиқади»¹. Ҳуқуқий нормаларни одамлар онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг, бу нормаларнинг одамлар орқали амал қилишида эса нодавлат ташкилотларнинг хизмати беқиёс. Шу маънода, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш оммавий ахборот воситалари учун асосий вазифага айланиши керак. Бунда тўсқинлик қилувчи барча омилларни бартараф этиш ва мавжуд мезонларни такомиллаштириш асосий муаммодир.

Республикамизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш амалдаги ва қабул қилинажак қонунларимизни умумэътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга мослаштириш, муайян қонунчилик стратегиясига эга бўлиш, демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий омилидир. Ҳуқуқ устуворлиги давлат ҳокимиятининг чекланиши, коррупциянинг мавжуд эмаслиги, тартиб ва хавфсизлик, фундаментал ҳуқуқ, ҳукуматнинг очиқлиги, ҳуқуқни кўллаш, фуқаролик адлияси ва жиноят адлияси билан белгиланади². Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуриш учун ҳуқуқ устуворлиги билан боғлиқ белгиларни ривожлантириш, ундан кенг фойдаланиш зарур.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Зеро, инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга. Ҳар қандай ривожланган демократик жамиятни барпо этишда инсон ҳуқуқлари ролига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалда тизимли ташкил этилиши – ҳуқуқий давлат қуришнинг бош омили ҳисобланади. Бугунги кунда Европа, Америка ва Африка ҳуқуқ тизимлари минтақада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўпроқ ривожланган тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда устуворлик бериш нуқтаи назаридан 60 дан зиёд халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга имзо чеккан ва уларни тан олган.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б. 32.

² Сабирова Л.Л. Реализация идеи верховенства закона в современной России // Вестник экономики, права и социологии. – 2016. – №1. – С. 163.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми бўлиб, унинг устуворлиги халқаро ҳуқуқий нормаларда, Ўзбекистон миллий ҳуқуқида ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи, унинг манфаатлари устуворлигини таъминловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари шахснинг дахлсиз хусусияти сифатида изоҳланган. Мазкур халқаро ҳужжат шахс мақомини белгилашда давлатнинг фавқулодда ролини пасайтиради. Бу давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашларга муайян талаб қўйишда намоён бўлади. Бу, биринчидан, қонунга асосланиш, иккинчидан, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ва ялпи фаровонлик талабларини қондириш (29-м.) мақсадини амалга оширишда ифодаланadi. Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимиз томонидан «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида», «Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактлар (1966 й.), БМТнинг «Ёш болалар ҳуқуқлари тўғрисида» (1989 й.), «Ирқий камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисида» (1979 й.), «Қийноқлар ва инсон қадр-қимматини ерга урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши» (1984 й.) Конвенциялар ратификация қилинган. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқ андозаларини қабул қилиш жараёнининг янада самарали кечишини таъминлади. Шу асосда Ўзбекистон ўз миллий қонунчилигида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилди, ҳозирги кунда уларнинг устуворлиги таъминланмоқда. Албатта, бунинг учун республикамизда ўзига хос ва жаҳон андозаларидан келиб чиққан ҳолда демократик институтлар ташкил этилди (масалан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили – Омбудсман, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий Маркази ва бошқа).

Маълумки, демократик давлатлар қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш, куч ишлатиш ёки куч ишлатишга тўғридан-тўғри даъват, муайян шахсларнинг қадр-қиммати, обрўсини ҳақоратлашга қарши қатор қонунлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида ҳам шундай мазмундаги қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистоннинг ҳар бир қонуни фуқаролар ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўймасликка ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинларининг амалдаги тенглигини таъминлашга қаратилган бир қатор меъёрларга эга. Бунга Ўзбекистон Респуб-

ликасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни мисол бўлади. Мазкур қонуннинг 6-моддасида шундай дейилади: «оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади...».

Давлатимизнинг энг муҳим масалаларидан бири – давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда инсон олий ижтимоий қадрият эканлиги принципининг жорий этилишидир. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатловчи шароитларни яратади, барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунларга риоя этиш, зарур ҳолларда эса тазйиқлардан муҳофаза этиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон фуқаролари ўз манфаатларини нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Конституцияда яшаш ҳуқуқининг эътироф этилиши давлат олдида шахс ҳаётини ҳимоялаш ҳамда уни ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофазалашнинг амалдаги механизмини яратиш масаласини кўяди. Бу фақат жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятигагина эмас, ижтимоий соҳада инсон ҳаётини сақлашнинг барча чораларини таъминлаш фаолиятига ҳам тегишлидир. Инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирларининг ҳуқуқий таъминланган тизими яшаш ҳуқуқининг жиддий кафолатларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1993 йил 6 май) қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги принципларига асосланади. Республикамизда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (1996 йил 29 август) қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жиноят қонуни яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида ўринга эга бўлиб, у яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят қонунчилигининг асосий манбаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моҳиятига эътибор қаратсак, унда ҳам инсон ва унинг ҳаёти биринчи ўринда туришига гувоҳ бўламиз. Одил судловнинг асосий принципларидан бирини айбсизлик презумпцияси ташкил этади. Жиноят кодекси 4-моддасининг иккинчи қисмида конституциявий принципни ривожлантирувчи қоида акс этган бўлиб, унда ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида кўришимиз мумкинки, қабул қилинган барча қонунларимизда инсон ва унинг манфаати олдинги ўринга қўйилган. Инсон манфаатларининг устуворлиги ҳисобга олинган ҳамда бугунги кунда уларнинг бажарилиши ижобий даражада таъминланмоқда.

2-§. Тараққиётнинг «ўзбек модели»да қонун устуворлиги принципининг ифодаланиши

Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Давлатимизнинг дунё сиёсий майдони томонидан тан олиншида эса мустақил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тараққиётнинг «ўзбек модели» муҳим ва беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, «ўзбек модели»нинг асосий принципларидан бири – қонунлар ва уларга амал қилинишининг устуворлигини таъминлашдир. Зеро, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат – бу қонун билан бошқариладиган жамият ва давлатдир. Қонун жамият ва давлат бошқарувининг бирдан-бир воситасидир. Қонун устуворлиги тамойили:

биринчидан, халқ манфаатларини ифодалайдиган адолатли қонунларни ишлаб чиқаришни;

иккинчидан, қонунларни сўзсиз ижро этилишини таъминлашни;

учинчидан, фуқароларнинг юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг бош стратегик мақсади – кенг ижтимоий йўналтирилган, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай деган эди: «асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида охириги уч йилда давлат органларининг 157 та қарори ўз кучини йўқотган қонунлар асосида чиқарилган. Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Бу муаммони самарали халқ қилишнинг бирдан-бир йўли – қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир»¹.

Дарҳақиқат, қонунларнинг қабул қилиниши Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилиши лозим. Шу билан бирга, «қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун – халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади»². Бинобарин, ҳуқуқий демократик давлатда қонун устунлиги таъминланади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ёрдамида ҳимоя қилинади. Яъни қонун ҳуқуқий давлатни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилувчи қурол ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий муносабатлар нуктаи назаридан ҳам мамлакат ўз қонунчилигига биноан хорижий давлатлар, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади. Бу ўринда қонуннинг устунлиги мамлакатнинг тенглар ичида тенглигини белгилаб беради. «Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир»³.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

² *Каримов И. А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – Б. 435.

³ *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1996. – Б. 321.

Ҳуқуқий давлат шаклланиши ва ривожланиши учун ўзига хос реал омиллар мавжуд бўлиши керак. Шундай омиллардан бири – қонун устуворлигидир. Жамиятда қонун устуворлиги принципига амал қилинмас экан, унда ҳуқуқий давлат ҳақида фикрлашнинг ўзи абсурд. Қабул қилинган қонунлар жамият аъзолари томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинса ва улар томонидан қонунларга сўзсиз риоя этилса, ҳуқуқий давлат қарор топади. Таъкидлаш зарурки, «ўзбек модели»нинг муҳим принципи қонунларнинг устуворлиги жамиятда ижтимоий адолат, тенгликни таъминлашга хизмат қилади. Қонунлар устуворлиги орқали мамлакатда ижтимоий адолат ўрнатилар экан, бу жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди, юзага келиши мумкин бўлган турли низо ва келишмовчиликларнинг олдини олади, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлайди. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бугун республикамизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан бир хил тенг ҳуқуққа эгаллиги белгилаб қўйилган. Қонунларимизда хотин-қизларни давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар ҳам белгиланган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларнинг 22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлиги ўз ифодасини топган. Келтирилган мисолдан кўришимиз мумкинки, республикамизда қонунлар орқали тенглик принципи қарор топмоқда. Демак, жамиятда қонун устуворлиги таъминланиши тенглик ва ижтимоий адолатни рўёбга чиқишида ҳам муҳим ўрни тутади, албатта.

Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қонунлар орқали тартибга солиниши, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тараққий этиши учун замин яратади. Қонунлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бузилганда, уни бузган оддий фуқародан мансабдор (ҳатто, олий мансабдор) шахсгача қаттиқ жазоланиши кўзда тутилади. Зеро, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев айтганидек, «халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-

юртимиз осойишталиги ва жамоат тартибини сақлашга, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қурби етмайдиган ҳар қандай даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади»¹. Бу эса, жамиятда юзага келадиган турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан ижро этишларига хизмат қилади.

Ҳар бир мамлакатда қонунлар устуворлиги, фуқароларнинг қонунларга бўлган ҳурмати ва итоаткорлиги ўша давлатнинг барқарорлигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда жамиятда адолатни ўрнатади. Қонун устуворлигига эришмасдан туриб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кура олмаймиз. Бунинг учун эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов «ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У – қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир»², деган эди. Ҳуқуқий маданият юксалган жамиятда ҳеч ким қонунларни бузмайди ёхуд уни «четлаб ўтиш»га ҳаракат қилмайди. Чунки, қонунлар халқ хоҳиш-иродасини ифодалаб, жамият тинчлиги, осойишталиги ҳамда ижобий хатти-ҳаракатларга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, инсон ҳуқуқлари ҳам шунчалик юқори таъминланади. Профессор У. Таджиханов таъкидлаганидек, «ҳуқуқий маданият деганда, жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, халқнинг бу тизимдан хабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга мурасасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз»³. Ҳар бир фуқаро ёки мансабдор шахс ҳуқуқий маданиятли бўлса, қонунларга амал қилса, жамиятда инсон ҳуқуқлари бузилмайди. Қонуннинг энг асосий вазифаси ҳам инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уни таъминлашдан иборат.

Қонунларнинг ҳар томонлама мукамаллиги, ҳаётга тўғри татбиқ этилиши фуқаролар томонидан уларнинг бекаму-кўст бажарилишига олиб келади. Қонунни турли йўллар билан «четлаб ўтиш»га хиз-

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

² *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т., 1996. – Б. 22.

³ *Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Т., 1998. – Б. 11.

мат қилувчи турли салбий омилларга барҳам берилади. Бунинг самараси ўлароқ, жамиятда ҳуқуқ-тартибот ўрнатилади, ҳуқуқбузарлик содир бўлмайди, яъни жамият маънавий-руҳий тозаланади, покланади. Энг муҳими, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларининг таъминланишида муҳим омил бўлади. Шу маънода ҳам, «ўзбек модели»нинг муҳим принципларидан бўлган қонун устуворлигини таъминлаш жамият ҳаётида ҳар доим долзарб аҳамият касб этади.

3-§. Жамиятни демократлаштиришда қонун устуворлигининг аҳамияти

Демократик жамиятда қонун устуворлиги, авваламбор, демократияга хос бўлган хусусиятларни амалга оширишни таъминлайди. Мустақиллик йиллари инсонпарварлик, адолатли жамият қуриш ғоялари билан суғорилган бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Чунончи, Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан мамлакатимизда ярашув институти жорий этилди, Жиноят кодексига ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг 1995 йилгача амалда бўлган Жиноят кодексига 33 та жиноятга ўлим жазоси қўлланилар эди. Янги қабул қилинган Жиноят кодексига эса уларнинг 13 таси сақлаб қолинди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Жумладан, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмаслиги қайд этилди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди (ЖКнинг 51-моддаси). 1998 йилда Жиноят кодексига 5 та моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддага жазо қисқартирилди. 2004 йилда эса мазкур жазо айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасдан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун татбиқ этиладиган бўлди. Айниқса, жиноий жазоларни либераллаш-

тириш борасида жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутди. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини устувор қадрият сифатида мустаҳкамлаш йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бўлди, десак хато бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш нуқтаи назаридан «Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди»¹. Маълумот ўрнида айтиб ўтсак: ҳозирги кунда 100 га яқин давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинган, бундан ташқари, 30 дан ортиқ давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, амалиётда қўлланилмайди.

Қонун устуворлигини таъминлаш демократик жамиятни шакллантиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қонунлар, аввало, фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ишлаб чиқилади, уларнинг хоҳиш-иродасини ўзида акс эттиради. Бироқ қонунчилик амалиётидан маълумки, айрим қонунлар қабул қилинган, реал ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солмайди ва ижроси таъминланмай қолиб кетади. Бизнингча, бунинг ўзига хос сабаблари бор:

биринчидан, қонунларнинг замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинмаслиги;

иккинчидан, қонунларни ишлаб чиқишда маҳорат ва салоҳиятнинг (профессионализм) етишмаслиги;

учинчидан, фуқаролар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини етарли даражада билмаслиги;

Таъкидлаш керакки, қабул қилинган қонунларга амал қилиш барча учун ҳаётий объектив зарурият ҳисобланади. Бу зарурат мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги билан белгиланади. Қонунларга амал қилинмаслиги эса ушбу соҳаларда турғунлик ҳолати юзага келишига олиб келади. Шу билан бирга, қонунларни ижро этмаслик ҳолатлари мавжуд экан, жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди.

¹ Karimov I. A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish – mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. T. 19. – T., 2011. – B. 59.

Қонун устуворлигига хилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, айниқса мансабдор шахслар томонидан қонунларга итоат этмаслик, уни «айланиб ўтиш», ўз манфаати ёхуд ғаразли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, халқнинг норозилигига сабаб бўлади. Фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки этилмаслиги «фуқаро – давлат» муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради. Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур»¹. Бу эса, ўз навбатида, раҳбар ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни (2017 йил 3 январь) ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак»². Бунинг учун давлат идоралари томонидан қонунларни «айланиб ўтиш», бузиш ҳаракатларига чек қўйилиши шарт. Чунки, бундай хатти-ҳаракатлар фуқароларнинг давлат ҳокимиятига ишончини йўқотади. Шу маънода ҳам, қонун устуворлигини таъминлашда фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлардан кўпроқ етакчилик қилиш талаб этилади.

Ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яшаши, фаровон турмуш қуриши, хоҳиш-иродасининг амалга ошиши, эзгу мақсад ва ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим. Бу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давр талабига айланади. Шу маънода, «жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратиш»³ бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан бири эди. «Мамлакат тараққиётида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, давлат сиёсатини халқ иродаси асосида юритиш амалиётини ўрнатиш, қабул қилинаётган қонунларда аҳолининг манфаатлари кенгроқ ифодаланишига эришиш, жамият-

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

² *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996. – Б. 285.

³ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

даги ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатларини мутаносиблаштириш ва келиштириш, ҳокимият органларига янги ва соғлом кучларнинг кириб келиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш ва ниҳоят, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш»¹ долзарб масалалардан ҳисобланади. Агар фуқароларда ҳуқуқий маданият юксалмаган бўлса, жамиятнинг ривожланиши ортга сурилиши муқаррар. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги биринчи чақириқ IX сессиясида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» қабул қилинди. Чунки, «юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди»². Шундай экан, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнида ҳуқуқий тарғибот-ташвиқотни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради.

Ҳуқуқий маданият – бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга татбиқ этиш, ижросини таъминлаш, ҳар бир шахснинг, фуқаронинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъаналарга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабати белгилайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий саводхонликни юқори даражага кўтариш ғоявий тарбия бора-сидаги фаолиятимизнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият ва саводхонликни ривожлантирмай туриб, қонунбузарлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш анча мушкул иш. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида қонун олдида барча баробар ҳисобланади ва мамлакатдаги қонун-қоидаларга жами фуқаролар – ёши,

¹ *Холов А.* Давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида сиёсий партияларнинг роли // Вопросы модернизации системы государственного управления: сб.ст. / Ш.Науумов, Ш.Тошматов, Х.Вайнуддинов. – Т., 2014. – С.198.

² *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 27-28.

тили, миллати, ирки, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар – барча бир хил бўйсунди. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш баркамол авлодни тарбиялашнинг объектив заруриятини тақозо этади. Бу жараён ҳуқуқий тарбиясиз амалга ошмайди. Ҳуқуқий тарбиянинг таркиби бўлган ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий билимларсиз демократия анархияга ёки мустабидликка айланиши жуда осон кечади.

Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг атрибутив хусусияти ҳисобланади. Турли адабиётларда «ҳуқуқий давлат қонун доирасида фаолият юритувчи давлатдир»¹, деган қараш мавжуд. Халқ давлатни қонунлар ёрдамида жиловлайди, уни халқ манфаатларига хизмат қилдиради. Ҳуқуқий давлатнинг бошқариш воситаси қонундир, деган фикр жамиятимизда қонун устуворлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини англатади. Мустақиллик йиллари бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, икки палатали (Қонунчилик палатаси ва Сенат) парламентга ўтганимиз, парламент назоратини жорий этганимиз фикримизга яққол мисол бўла олади. Дастлаб Олий Мажлис, кейинчалик Президент ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти таъсис этилди. Бундан ташқари, қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси ташкиллаштирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, қабул қилинаётган қонунларимизнинг сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бироқ «қонун устуворлиги» ғояси ҳуқуқий тарбия масаласини ҳам объектив заруратга айлантормоқда. Чунки, қонунлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан ҳаётга жорий этилмаса, бундан ҳеч қандай манфаат бўлмайди. Қонунга ҳурмат, эътиқод бўлмаса, ҳуқуқий нигилизм илдиз отади. Инсон қонунга сиғиниши, унинг қулига айланиши керак эмас, аксинча, у қонуннинг яратувчиси ва ижрочиси бўлиши керак.

4-§. Сиёсий партия фракцияларининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни

Сиёсий партиялар фракциялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига биноан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди. Чунки, сайловчи ўз иродасини ифода этган ҳолда давлатнинг олий вакиллик органида сиёсий партиялар фракцияларининг юзага келишига сабаб бўлади ва ўз манфаатларини

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т., 2010. – Б. 649-650.

рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган қонунларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Умуман, сиёсий партияларнинг фракциялари ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида партия маъмурияти манфаатини эмас, балки электорат ва умумхалқ манфаатини уйғунлаштиришни ифодалайдиган қонун лойиҳалари борасида таклифлар киритиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Масалан, Германияда Бундестаг Регламентининг 75-моддаси а-бандига асосан, Бундестаг фракциялари қонун лойиҳаси ташаббускори бўлиши, 76-модданинг биринчи қисмига биноан, Бундестаг депутатлари томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаси Бундестаг фракцияларидан бири ёки Бундестаг депутатларининг 5 фоизи (ҳозирги кунда 31 нафар) томонидан имзоланиши шартлиги кўрсатиб ўтилган¹. 38-модданинг биринчи қисмига кўра, фракция томонидан илгари сурилган қонун лойиҳасини фракция қўллаб-қувватлаганидан ва фракция етакчиси имзолагандан кейин у расмий мақомга эга бўлади. Швейцарияда ҳам фракция томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи (мазкур мамлакатда қонун лойиҳаси таклифидан ташқари, қонунчилик таклифи ҳам киритилиши белгиланган) фракция раҳбари томонидан имзоланиши керак². Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари (Германия, Польша, Чехия, Швейцария)да қонун ижодкорлиги жараёнида фракцияларга кенг ваколатлар берилганлигини кузатиш мумкин.

Биламизки, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмаган. Тадқиқотчи И.А. Котеловскаянинг фикрича, «аслида, кўмиталар ҳамда фракциялар фракцион ёки сиёсий депутатлар бирлашмасини ташкил этади, шунинг учун уларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормаларни бузмайди»³. Шу маънода, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. «Сиёсий партия фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормалар билан мустаҳкамланган қоидаларга зид эмас ва Қонунчилик палатаси

¹ Кордик Д. Н. Законодательный процесс в европейских государствах: Россия, Германия, Австрия, Швейцария (сравнительно-правовой анализ): Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 66–69.

² Нисневич Ю. А. Компромисс и конформизм. – М., 2001. – С. 247–248.

³ Кордик Д. Н. Законодательный процесс в европейских государствах: Россия, Германия, Австрия, Швейцария (сравнительно-правовой анализ): Дисс... канд.юрид.наук. – М., 2007. – С. 82.

депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига даҳл қилмайди, балки уни амалга оширишдаги камчиликларини тузатади»¹. Бу, *биринчидан*, қонунларда белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 27-моддаси ва ҳок.) «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари эга», деган тушунчага аниқлик киритади. *Иккинчидан*, фракция томонидан таклиф этилаётган қонун лойиҳаси бошқа фракциялар ва масъул қўмита томонидан ўрганиб чиқилиб, фикр, таклиф ва хулосалар берилишини таъминлайди. Бу эса қонун лойиҳасининг қизғин муҳокамасига сабаб бўлади. Парламентда камчиликни ташкил этган фракцияни ҳам фаолликка ундаб, таклиф, тавсия, хулосалар беришига олиб келади. *Учинчидан*, Парламентда мухолафат деб эълон қилинган фракцияга ҳам катта имконият яратиб беради. Яъни улар қонунларда белгиланган (қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 25¹-моддаси, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 2-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 9¹-моддаси) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъект томонидан илгари сурилган қонун лойиҳасининг муқобил таҳриринигина эмас, балки ўзи ҳам мухолафатдаги фракция сифатида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этувчи қонунлар лойиҳасини таклиф этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Фикримизча, бундай қоиданинг қонунчиликка киритилиши фракциялар фаолиятини яхшилаш, рақобат муҳитини қарор топтириш билан бирга, мухолафат институтининг янада такомиллашувини таъминлайди.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларда (хусусан, умумдават даражасида ушбу амалиёт Австрия, Испания, Италия, Швейцария, Бразилия, Филиппинда) халқнинг қонунчилик ташаббуси амалиёти қўлланилади. Масалан, Бразилияда парламент томонидан халқ қонунчилик ташаббуси таклифи қонун лойиҳаси сифатида қабул қилиниши учун мамлакатнинг камида бешта штатидан бир фоиздан кам бўлма-

¹ Усмонов М. Новые подходы во фракционной деятельности и межфракционной конкуренции в парламенте // Демократизация и права человека. – 2014. – №4. – С. 103.

ган имзо тўпланиши зарур. Швейцарияда юз минг сайловчи Иттифок конституциясига бутунлай ёки қисман ўзгартириш киритиш бўйича халқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Испанияда беш юз минг сайловчининг таклифи билан халқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, Испания Конституциясига мувофиқ, мамлакат фуқаросига якка тарзда ёки жамоавий ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Италия Конституциясининг 71-моддасига биноан, 50 мингдан кам бўлмаган сайловчилар Парламентнинг палаталаридан бирига қонуннинг моддаларидан иборат шаклдаги лойиҳани тақдим этиши кўзда тутилган¹. «Референдум тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон фуқаролари референдумга қўйиладиган қонун лойиҳасини белгилашда тенг ҳуқуққа эгаллиги белгиланган². Демак, Ўзбекистонда фуқаролар қонуннинг референдум орқали ҳам қабул қилинишига эришишлари мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хорижий мамлакатлардаги каби Парламентга фуқаролар қонун лойиҳасини бевосита эмас, балки билвосита – сиёсий партиялар орқали таклиф этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Парламент қуйи палатаси сайловларида иштирок этиб, етарли овоз тўплаб, фракциясини тuzган сиёсий партияларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқ. Бу, *биринчидан*, жамиятда сиёсий партиялар халқнинг дардига қулоқ тутадиган, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ёрдам берадиган субъект сифатидаги ролини бажаришда муҳим аҳамият касб этади. *Иккинчидан*, мазкур амалиёт жамиятда сиёсий партиялар обрўсининг кўтарилишига хизмат қилади, уларнинг аморф ва турғун ҳолатдан чиқиб, ҳаракатчан ва ишчан ҳолатга келишига сабаб бўлади. *Учинчидан*, сиёсий партияларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши демократиянинг муҳим элементи ҳисобланиб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга халақит бермайди, аксинча, тараққиётини янада тезлаштиради. *Тўртинчидан*, кўппартиявийлик тизими шароитида сиёсий партиялар ўртасида қонун лойиҳасини таклиф этишдан то уни қабул қилишгача бўлган жараёнларда рақобат муҳитини юзага келтириб, қонунлар сифатининг янада ошишига олиб келади.

¹ *Исмаилов Б. И.* Реализация права законодательной инициативы в правоприменительной практике зарубежных стран и Республике Узбекистан, 2008 // URL – <http://www.allpravo.ru/library/doc117p0/instrum6914/print6915.html>.

² Ўзбекистон Республикасининг Референдум тўғрисидаги қонуни // URL – http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=81253&query=undefined.

Профессор Х.Т.Одилқориев айтганидек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари қонун чиқариш фаолиятида таъсирчан қатнашиб, шу тариқа давлат бошқарувиغا муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўладилар¹. Сиёсий партиялар фракциялари муҳокама этган ва парламент томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган қонуннинг сифати келажакда давлат механизмининг мукамал фаолиятини таъминлаб бериш учун хизмат қилади. Тадқиқотчи С.М.Барамидзе Россия Федерацияси қонунчилиги мисолида «депутатлар фракцияси амалдаги қонунларга мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас, лекин қонунчилик ташаббуслари оқимини тартибга солиш ва регламентини белгилашга жиддий таъсир кўрсатади»², деган фикрни билдиради. Бизнинг қонунчилигимизда ҳам айнан шу ҳолат кўзга ташланади, яъни фракциялар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, муайян даражада қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш, таклиф, мулоҳаза ҳамда хулосалар бериши белгиланган.

Партиянинг парламентдаги вакиллари фракцияларни ташкил этади. Партия ва фракциялар етакчилари, одатда, фундаментал сиёсий эътиқодлари орқали гуруҳ ва уюшмаларни ҳосил қилади. Сиёсий партия ва фракция ўртасида камдан-кам ҳолларда барқарор низо содир бўлади. Партия лидерлари (парламент гуруҳи етакчилари ёки фракциялар) катта таъсир кучига эга бўладилар. Улар парламентдаги вазифаларидан ташқари, партия ва унинг парламентдаги фракциялари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган кескин муносабатларни юмшатишга ҳаракат қиладилар. Фракциялардаги бирдамлик ҳамда тартиб зарурий ва қонуний ҳолатда бўлиши лозим³. Бундай соғлом ҳолат муҳокама ва қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини топади. Айтиш жоизки, фракциялар томонидан муҳокама қилинаётган қонунлар кескин мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин бундай жараёнларда фракция аъзоларининг муаммони партиялар дастурларида белгиланган вазифаларни ҳисобга олиб ҳамда электорат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этиши ижобий натижа беради. Шунингдек, муҳокама қилинаётган қонун бўйича фракция

¹ *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б. 96.

² *Барамидзе С. М.* Конституционно-правовой статус политических партий: законодательное регулирование и его развитие: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2012. – С. 22.

³ *Hofmeister W.* Political parties: functions and organisation in democratic societies / Wilhelm Hofmeister and Karsten Grabow. – Singapore: Konrad Adenauer Stiftung, 2011. – P. 70–71.

аъзоларининг ҳамфикрлиги партия фракцияси ички демократиясининг устунлигидан далолат беради.

«Сиёсий партиялар ўзларининг парламентда эгаллаган салмоқларидан келиб чиқиб, ўз фракциялари воситасида қонунларни қабул қилиш, ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш каби халқаро меъёрлардаги фаол сиёсий жараёнларга тортиладилар»¹. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, муайян депутат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳокама учун қонун лойиҳасини киритиши мумкин. Лекин депутат томонидан киритилган (у ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳеч қандай фракцияга аъзо бўлмаса-да) қонун лойиҳаси фракция мажлисларида муҳокама қилиниши шартлиги белгилаб қўйилган. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиши учун бир вақтнинг ўзида масъул қўмита ва фракцияларга қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни топшириши белгиланган. Тақдим этилган қонун лойиҳалари муҳокамаси сиёсий партияларнинг фракциялари ва масъул қўмита томонидан бир вақтда кўриб чиқилади. Қонунда кўзда тутилганидек, фракцияларнинг қонун лойиҳалари бўйича фикрлари ва таклифларисиз масъул қўмита ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас². Келтирилган мисолда масъул қўмитанинг сиёсий партиялар фракциялари фикри билан ҳисоблашиш механизми акс этган, яъни қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш вазифаси бир вақтнинг ўзида ҳам масъул қўмита, ҳам фракцияларга белгиланган, фракцияларнинг фикр ва таклифларисиз масъул қўмита хулоса чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Депутатлар фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти сиёсий партияларнинг дастурий кўрсатмалари, мақсад ва вазифалари, ғоявий-сиёсий ва ташкилий асоси ҳамда таркиби ва фаолияти сингари бир қанча омилларга боғлиқ³. Бундан ташқари, умумманфаат нуқтаи

¹ Қудратхўжаев Ш. Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. – Т., 2007. – Б. 108.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисидаги Қонун // URL –http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=39573&query=undefined.

³ Савушкина О.В. Роль политических партий в законодательном процессе в условиях реформирования федеративных отношений в современной России: Дис. ... канд. полит. наук. – М., 2005. – С. 92.

назарини ҳам ҳисобга олиши зарур. Чунки, қабул қилинаётган қонун муайян сиёсий партиянинг дастурида акс этган ғояларни ёки унинг электорати манфаатинигина ифодалаш бири томонлама ёндашувни келтириб чиқаради. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорликка салбий таъсир этиб, ижтимоий норозилик юзага келишига замин яратади. Шу сабабли, депутатлар томонидан сиёсий партиянинг дастурлари, сайлов-олди платформаларида илгари сурилган ғояларга асосланган қонун лойиҳалари ташаббусининг киритилиши, унинг муҳокамасини (фракция, парламент доирасида) амалга оширилишида умумхалқ манфаатига уйғунлаштириш ижобий натижа беради. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиялар «бир қатор муҳим вазифаларни, шу жумладан, давлат ҳокимияти органларида фуқаролар манфаатини ифодаловчи вакилликни амалга оширади»¹. Бундан кўриш мумкинки, сиёсий партиялар номзод сифатида кўрсатган ва сайланган депутатлар давлат ҳокимиятининг маҳаллий ва олий органларида фуқаро манфаатини ифодаладиган қарорлар ёки қонунлар қабул қилинишида фаол тарзда иштирок этади.

Айниқса, сиёсий партияларнинг давлат ва фуқаро ўртасида юзага келадиган диалектик ўзаро муносабати қонун ижодкорлиги жараёнида яққол намоён бўлади. Яъни сиёсий партиялар дастури ва электорат манфаатидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширади. Тадқиқотчи С.Е.Заславский сиёсий партияларнинг қонунлаштириш ва жамлаш функцияларини ажратади. Сиёсий партиянинг *қонунлаштириш функцияси* фуқаролик жамиятининг маълум қисми манфаатларини давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қатнашиш орқали амалга оширилишини англатса, *жамлаш функцияси* доирасида аҳолининг ижтимоий, этник, ёш тоифаси манфаатларини ўзлаштириш, синтезлаш ҳамда кейинчалик, партия томонидан ишлаб чиқилаётган мафкуравий таълимотлар ва сиёсий дастурларда ифодалаш амалга оширилади². Юқоридаги функциялардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар электорат манфаатларини амалга оширишни ўз дастурларига олиб чиқади ҳамда давлат ҳокимияти (парламент ва ижро этувчи ҳокимият) фаолиятида иштирок этиб, белгиланган мақсад ва вазифаларни қонунчиликка татбиқ этишга ҳаракат қилади. Сиёсий

¹ Курочкин А.В. Политические партии и движения в современной российской государственности: политико-правовое исследование: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань, Казанский государственный университет, 2003

² Кузьмин А. В., Карчевская Н. И., Терских И. Ю. Некоторые проблемы реализации законотворческой функции политической партии как института гражданского общества // История государства и права. – 2008. – № 12. – С. 2.

партиянинг функцияси шу билан тўхтаб қолмайди: у қабул қилинган қонуннинг ижросини таъминлаш билан ҳам шуғулланади. Ўзбекистонда ҳукумат раҳбари номзодини парламент қўйи палатасида энг кўп ёки тенг миқдорда депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия таклиф этиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳукумат раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президентига тасдиқлаш учун тақдим этишда ўзининг номзодини илгари сурган сиёсий партиядан кўрсатиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «... авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш»² лозим. Ҳақиқатан ҳам, қонунларнинг пухта ишланиши бевосита сиёсий партиялар фракциясининг ишчан фаолиятига боғлиқ. Парламент қўйи палатасидаги тортишув ва баҳслар қонун қабул қилиш жараёнларида яққол кўринади. Ҳар бир партия фракцияси партия дастурида белгиланган, электорат манфаатига мос келадиган қонун ва қарорлар қабул қилинишига ҳаракат қилади. Демак, сиёсий партия ҳамда унинг парламентдаги фракцияси олий вакиллик органи фаолиятига таъсир кўрсатади. Чунончи, партияларнинг парламентдаги фракциялари қонун ижодкорлиги жараёнида амалий фаолликни намоён этади.

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол ҳаракатларни амалга ошираётган сиёсий партиялар ўз электоратининг манфаатларини ифодаладиган, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган сифатли қонунлар қабул қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бунда Асосий қонунимиз – Конституциянинг ўрни беқиёсдир. Дарвоқе, ҳуқуқий давлат шароитида Конституция парламентда вакилларига эга бўлган ҳар қандай партия учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериши керак. Бу, *биринчидан*, фуқаролик жамияти доирасида турли ижтимоий гуруҳлардаги тангликни юмшатиш имконини беради. *Иккинчидан*, ҳар бир парламент партияси фуқаролик жамияти манфаатларини эътиборга олиб, уни яққол намоён қилади. *Учинчидан*, ҳозирги пайтда сиёсий партиялар фақат ўз позицияси ҳақида сиёсий баёнот бериш билан чек-

¹ *Абдуллаев Ж. М.* Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар ролининг кучайиши // *Жамоатчилик назорати ва унинг шакллари: илмий-назарий жиҳатлари. Илмий-амалий семинар материаллари.* – Т., 2012. – Б. 71.

² *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // *Халқ сўзи.* – 2016. – 8 дек.

ланиб қолишини эмас, балки уларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти-ни рағбатлантиради¹. Демак, парламент партиялари томонидан чиқариладиган қонунлар умумхалқ манфаатига хизмат қилиши лозим.

Ф.Мусаев шундай дейди: «Парламентда қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чоғида турли фракциялар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлаётгани партияларнинг сиёсий фаоллигига мисол бўла олади»². Шубҳасиз, парламентда фаолият юритаётган партия фракцияси аъзолари маълум бир қарор, қонунларни қабул қилиш жараёнида ўз партияси манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Бу эса ўз-ўзидан партия фракцияси фаоллигини юзага келтиради. Акс ҳолда партия фракцияси аъзоларининг муайян норматив ҳужжат қабул қилиш жараёнидаги сустиги ёки ҳаракатсизлиги икки томонлама, яъни партия фаоллигига ҳам, парламент фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Фракция аъзолари ўз фаолиятларини тўғри ташкил этса, жамият тараққиётини таъминловчи қонун қабул қилинади. Шу сабабли, улар томонидан муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларида ватанпарварлик, халқпарварлик, қонун устуворлиги руҳи устун бўлиши муҳимдир. Фракция аъзолари ўз фаолиятига жиддий ёндашиб, тенглик, адолат принципларига таяниши шарт. Баъзи ҳолларда партия фракцияларининг фаолияти декларатив хусусият касб этмоқда. Қолаверса, қонун лойиҳалари ташаббуси билан чиқишда фракциялар-аро жонли ва соғлом баҳслашув, сиёсий ғоя ва ёндашувлар рақобати, афсуски, яққол кўзга ташланмайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти таҳлили шунини кўрсатадики, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи депутатларда эмас, балки ушбу ҳуқуққа эга бошқа субъектларда бўлган. Депутатлар эса аксар ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан кифояланиб қолган.

«Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган... ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

¹ Кузьмин А. В., Карчевская Н. И., Терских И. Ю. Некоторые проблемы реализации законотворческой функции политической партии как института гражданского общества // История государства и права. – 2008. – №12. – С. 3.

² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т., 2007. – Б. 66.

Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим. Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат»¹.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик миллий модели ўзининг ривожланиш босқичида экан, бу тизим парламент фаолиятида ҳам ҳаракатлантирувчи кучга эгаллиги билан ажралиб туради. Айниқса, ҳозирги пайтда мамлакатимиз парламентининг қуйи – Қонунчилик палатаси вакиллари асосан сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар ҳисобидан шаклланаётгани ҳам бунинг яна бир тасдиғидир. Яъни сиёсий партиялар фракциясидан унинг электорати ҳам, жамият ва давлат ҳам мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилинишини кутади.

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партиялар фаоллигини оширувчи ва таъсирини кучайтирувчи ҳамда мамлакатда кўппартиявийлик тизимини ривожлантирувчи ҳужжатлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2011 йил 18 апрель) қонундир². Мазкур қонунлар Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаоллигининг ошишига, конструктив рақобат муҳитининг қарор топишига, айниқса парламентда юзага келган ҳуқуқий маконда қонун ижодкорлиги жараёнининг қизғин муҳокамасига шарт-шароит ва имконият яратмоқда. Шунингдек, мазкур қонунларнинг амалда қўлланилиши натижасида сиёсий партиялар марказ ва жойларда, давлат ва ҳокимият органларини шакл-

¹ Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // URL – <http://www.uz.uz/oz/politics/prezident-islom-karimovning-zbekiston-respublikasi-oliy-mazh-23-01-2015>

² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 15. – 151-м.

лантириш билан бирга, жамоатчилик назоратини рўёбга чиқаришда ҳам катта имкониятларга эга бўлдилар. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларининг ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш борасидаги самарадорлиги ортди. Парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назоратини янада фаоллаштириш орқали ҳукуматга таъсир этиш имконияти кенгайди.

Фикримизча, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш лозим. Чунки, фракциялар томонидан таклиф этилаётган қонунлар лойиҳасининг бошқа фракциялар ва масъул кўмита томонидан ўрганиб чиқилиши қонун лойиҳаларининг қизгин муҳокама қилинишига олиб келади. Бу эса парламентдаги муҳолафат деб эълон қилинган фракцияга ҳам катта имконият яратиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект томонидан илгари сурилган қонун лойиҳаларининг муқобил таҳрирининг гина эмас, балки жамиятда юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этувчи қонунлар лойиҳасини ҳам таклиф этиш ҳуқуқини беради. Бинобарин, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан муҳокама қилинадиган қонун лойиҳалари келгусида умумхалқ манфаатига самарали хизмат қилиши лозим. Бунда фракциялардан янада ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллик, ташаббускорлик талаб этилади.

5-§. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлиги масаласи

Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олган мустақил давлат сифатида улкан ютуқларга эришмоқда. Ушбу ютуқларнинг асосини мамлакат узоқ истиқболини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ташкил этади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ватанимизни раванқ топтиришга, халқимизнинг фаровонлигини янада оширишга, тинчлик ва осойишталикни, айниқса қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари республикамиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятни янада модернизациялаш ва демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни объектив ижтимоий заруратга айлантirmoқда. Ушбу заруратни амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 7 феввалида Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилинди. Унда давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш билан боғлиқ жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта:

- 1) давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- 2) қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- 3) иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- 4) ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- 5) хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган фаолиятни ўз ичига қамраб олади.

Айниқса, бугунги кунда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилади. Ҳаракатлар стратегиясида мазкур соҳада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалалари кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунishi Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида ҳам белгилаб қўйилган. Демак, асосий қонунимизда эътироф этилган ушбу норманинг амалда таъминланишининг ўзи ҳам қонун устуворлиги принципининг асосидир. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2016 йил 21 октябрь) эълон қилинган эди. Бу эса

мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш; одил судловга эришиш даражасини ошириш каби устувор йўналишларни қамраб олди. Шунингдек, фармонда 2017 йилнинг 1 апрелидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилиши, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши; судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилиши; терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши; фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши; вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилиниши каби масалалар белгилаб берилди. Албатта, мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш амалда судлар мустақиллигини таъминлаш билан бирга, фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг қонуний манфаатларини сўзсиз бажарилишига олиб келади. Биргина, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш амалиёти жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги аниқланилади. Ушбу амалиётни мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми деб ҳисобласак, тўғри бўлади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, судларнинг мустақиллигини амалда рўёбга чиқариш, «Хабеас корпус» институтининг қўлланилишини янада кенгайтириш борасида ҳам бир қатор

ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, 2008 йил 1 январдан бошлаб прокуратуранинг фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилган эди. Ушбу амалиёт доираси янада кенгайтирилиб, эндиликда прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда. Бу ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келиб, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини англатади ҳамда жамиятда қонун устуворлиги принципини таъминлаб беради.

Маълумки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасига жиддий эътибор қаратилиб, қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасида ижобий ишлар амалга оширилганлигига қарамадан, ҳали ҳам мазкур соҳада ечимини кутаётган бир қатор муаммолар, камчилик ва эътирозлар юзага келмоқда. Жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштиришни объектив заруратга айлантirmoқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келаётганлиги, Ҳарбий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибига киритилганлиги, адлия органлари томонидан умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тартиби суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмаётганлиги, судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини бермаётганлиги соҳада ислохотларни янада жадаллаштиришни, уларни замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштиришни, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати маъмурий судлар тизимини ташкил этишни талаб этмоқда.

Соҳада юзага келаётган муаммоларни олдини олиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш мақсадида 2017 йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Рес-

публикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, унинг ўрнига Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгашга судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш; судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш; судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш; оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш; суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш; судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш асосий вазифалари этиб белгиланди.

Таъкидлаш зарурки, фармонда назарда тутилган талабларни амалга ошириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Хўжалик-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларига, «Судлар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига олиб келади. Бу эса, *биринчидан*, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда демократиянинг умумэътироф этилган тамо-

йиллари ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амал қилишини кафолатлайди; *иккинчидан*, суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини юзага келтиради; *учинчидан*, судни жиной таъқиб иштирокчиси эмас, балки унинг мақсад ва вазифаси бўлган одил судловни амалга оширишини таъминлайди.

Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда масъулиятсизлик, расмийчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш бу борада кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. Маълумки, 2014 йил 3 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш, текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши, таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади (қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно). Бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилиниши белгиланган. Бу ҳам фуқаронинг ҳуқуқини таъминлашга, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқшга олиб келади.

Бугунги кунда жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийлик принциплари самарадорлигига бир қанча омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Шулардан бири қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ва аҳолига уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирмаслик ҳолатидир. Шу сабабли ҳам аҳоли орасида қабул қилинган қонунларни тарғиб-ташвиқ қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини батафсил етказиш ўзининг ижобий натижасини беради.

Маълумки, ҳозирда биринчидан, қонун ҳужжатларини тарқатишнинг яхлит тизими шаклланмаган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, расмий тарқатмаларни ижрочиларга етказишнинг, тушунтириш ишларини олиб боришнинг тартиби ва муддатлари ҳамда бу соҳадаги назорат ўрнатилмаган; иккинчидан, фуқароларни ҳуқуқий хабардор қилиш, асосан, анъанавий оммавий ахборот воситалари орқали қоғоз кўринишида амалга оширилмоқда, бу эса ҳуқуқий

ахборотнинг тўлиқлиги ва эркин фойдаланилишига, унинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда аҳолининг ижтимоий фаол қатламлари, айниқса тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинмаяпти. Шу сабабли ҳам, бу борада қонун ҳужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишининг самарали механизмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февраль куни имзолаган «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу масалага бағишланган. Ижрочиларга қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, уни сўзсиз ижро этилишига сабаб бўлади.

Ички ишлар органлари фаолиятида ҳам қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва қонуннинг устуворлиги принципини амал қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, ички ишлар органлари қонун посбонидирлар. Улар томонидан қонунларга амал қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш биринчи навбатдаги вазифаларидандир. Ҳаракатлар стратегиясининг «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» деб номланган бандида ҳам бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни янада кучайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Бу борада 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида», 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Умуман олганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ички ишлар органларида фаолият юритувчи ходимларнинг ўрни бекиёс. Ҳаёт уларга қўйиладиган талабларни, яъни қонунга итоаткорликни узлуксиз ошириб бормоқда. Бу талаблар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тобора кўпаймоқда. Чунки ички ишлар органлари олдида турган вазифалар кундан-кунга мураккаблашиб, кўп қиррали ва масъулиятли бўлиб бормоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан турли ҳаётий вазиятларга дуч келадилар, турфа инсонлар билан мулоқотга киришадилар. Бу эса улардан юксак даражадаги маданият, кенг дунёқараш ва зарур билимларга эга бўлиш ҳамда хушмуомалаликни талаб этади. Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиб, ахлоқан бенуқсонлиги ва шахсий камтарлиги билан ажралиб туришлари керак. Уларнинг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талаблар мажмуи улар фаолиятидаги мазкур хусусиятлар билан боғлиқ. Шунингдек, бугун ички ишлар органлари ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, «қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади»¹.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда қонун устуворлиги –қонунларнинг барча томонидан ҳурмат қилиниши, ижро этилиши ва қатъий амал қилиниши билан белгиланади. Бу ҳуқуқий демократик давлатга хос бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади.

Қонунларга итоат этиш, риоя қилиш ва уларнинг ижроси энг аввало, жамиятда адолатни таъминлайди. Аксинча, адолатсизлик илдиз отган жойда тараққиёт ва барқарорликка путур етади. Қонунга итоаткорлик жамият аъзоларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий маданиятидан келиб чиқади. Яъни унинг негизини қонуннинг мақсад ва вазифалари, моҳиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ўз ихтиёри билан риоя қилиш ташкил этади.

Қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги принциплари – демократиянинг асосий талабларидандир. Мазкур талаблар нуқтаи назаридан қонун маънавият билан уйғунлашади. Зеро, инсон маънавиятининг ифодаси бўлган инсоф, ўзгаларга нисбатан ҳурмат-иззат ва ҳалолликка путур етса, яъни бир одам бошқаларнинг ҳуқуқларини бузса, қонун ишга тушади ва кимнинг ҳақ ёки ноҳақ эканлигини адолат тарозисида ўлчаб беради.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун уларга сўзсиз риоя этиш мажбуриятга эмас, балки маънавий фазилатга айланмоғи лозим. Чунончи, тараққиётнинг «ўзбек модели»да ҳам қонуннинг ахлоқ ва маънавият измида бўлиши объектив зарурат сифатида эътироф этилади. Ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигининг қарор топиши, қонунларга итоаткорлик олий қадриятга айланиши бир неча омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси – мукамал ва сифатли қонунларнинг қабул қилинишидир. Бинобарин, жамиятда демократик принциплар ҳамда қадриятларнинг қарор топиши бевосита қонун устуворлиги ва унга итоат этиш билан белгиланади.

М У Н Д А Р И Ж А

СЎЗ БОШИ.....	3
1-§. Қонун устуворлиги ва қонунга итоаткорлик тушунчаси	5
2-§. Тараққиётнинг «ўзбек модели»да қонун устуворлиги принципининг ифодаланиши	14
3-§. Жамиятни демократлаштиришда қонун устуворлигининг аҳамияти	18
4-§. Сиёсий партия фракцияларининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни.....	22
5-§. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлиги масаласи.....	32
ХУЛОСА	41

БЕРДИКУЛОВ СИРОЖЖОН НАСИПКУЛОВИЧ

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК –
ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ**
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир Ж.Э. Холов

Техник муҳаррир Д.Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 12.05.2017. Нашриёт ҳисоб табағи 3,0
Адади 30 нусха. Буюртма № Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.